

**Академик Бўрибой Аҳмедов - ўзбек халқининг келиб чиқиши
масаласини ёзма манбалар асосида фундаментал тадқиқ қилган ҳассос
ОЛИМ.**

С.С. Ражабов

*Бухоро давлат педагогика
институтини ёшлар билан ишлаш,
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи,
ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада тарихишунос олим академик Бўрибой Аҳмедов тадқиқотларида ўзбек халқининг шаклланишига оид маълумотлар таҳлил этилган. Олим илмий меъросининг ўзбек халқининг шаклланиши билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил этиши орқали, ушбу маълумотларнинг юқори илмий қийматга эга эканлиги ёритиб берилган.

Аннотация: В данной статье анализируются сведения о формировании узбекской нации в исследованиях академика Борибоя Ахмедова. Анализируя аспекты научного наследия ученого, связанные с формированием узбекского народа, подчеркивается, что эти сведения имеют высокую научную ценность.

Abstract: This article analyzes information about the formation of the Uzbek nation in the research of academician Boriboy Akhmedov. Analyzing aspects of the scientist's scientific heritage related to the formation of the Uzbek people, it is emphasized that this information has high scientific value.

Калим сўзлар: Ўзбек халқи, этногенез, қўлёзма манба, этноним, тадқиқот, тарихий манбалар, тарихчи, этнограф.

Ключевые слова: Узбекский народ, этногенез, рукописный источник, этноним, исследование, исторические источники, историк, этнограф.

Keywords: *Uzbek people, ethnogenesis, handwritten source, ethnonym, research, historical sources, historian, ethnographer.*

Ўзбеклар Ўрта Осиёнинг қадимги халқларидан бири бўлиб, кўхна ва бой тарихга, юксак маданиятга эга халқ.¹ Тарих фанида ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич - этногенез, иккинчи босқич - этник тарихдан иборат. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шакллангунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Халқ этногенези жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён. Унинг ибтидоси қабила ва қабила иттифоқидан бошланади. Қачонким, айнан ўрганилаётган халқнинг этногенези яқунлангач, унинг этник тарихи бошланади. Этник тарих ҳам жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, этник тарих ўз ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади. Мана шу илмий - методологик асосдан келиб чиққан ҳолда халқларнинг этногенези ва этник тарихи ўрганилади.² Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи хусусида мутахассислиги тарихдан узоқ бўлган айрим зиёлилар, ҳам сиёсий, ҳам илмий-назарий ва илмий-методологик жиҳатдан тушунишга ожиз «тарихчилар» интернет сайтларида, маҳаллий матбуотда, ҳатто монографик китоб тарзида чуқур илмий асосга эга бўлмаган фикрларини кенг китобхонлар оммасига тақдим эта бошлашди. Бундай ғайриилмий қарашлар ўзбек халқи этногенезининг тарихий илдизлари ва унинг ҳозирда эгаллаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқ эканлигига соя солмоқда.³

Таъкидлаш жоизки, ушбу масала моҳиятан мураккаб, сиёсий-мафкуравий томонлар билан боғлиқлиги боис ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Мавзуга XX асрнинг 20-йилларида Миён Бузрук, Пўлат Солиев

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”. Т. 1994. 195-б.

² Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. Республика илмий-назарий семинар материаллари. ЎзР ФА Археология институти., Т.: 2004

³ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Ўзбекистон. Т.: 2015. 3-б.

каби ўз даврининг атоқли намояндалари, маърифатпарварлар кўл уришган ва айнан шу мавзу уларни миллатчиликда айбланишига ва охир оқибат катағонга учрашига сабаб бўлган эди. Улар амалга оширган дастлабки тадқиқотларни мавзуга кириш, унинг дебочаси деб аташ мумкин. Ўзбек халқининг этник тарихи юзасидан бошланган илмий тадқиқотларни юксак даражада поёнига етказган олим Бўрибой Аҳмедовдир.

Серкирра ижод соҳиби Б. Аҳмедов ўзбек халқи келиб чиқиши масаласини кўп сонли қўлёзма манбалар асосида назарий жиҳатдан ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган. Тарихчи олим “ўзбек халқининг шаклланиши масаласи яхши ўрганилмаган, ечимини топмаган илмий муаммолардан бири” дея таъкидлайди.⁴ Ўзбекларнинг халқ бўлиб шаклланишига оид бирон алоҳида манба йўқ. Бу масалага оид маълумотлар тарихий, географик, лингвистик ва халқ оғзаки адабиётига оид асарларнинг барчасида мавжуд. Лекин уларни синчиковлик билан битталаб, териб олиш керак бўлади. Уларни Табарий ва Араб география олимларининг асарларида, Низомиддин Шомий ва Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Жувайний ва Рашидуддуннинг юқорида тилга олиб ўтилган асарларида “Нусратнома” ва “Абдуллонома”да ва X – XVI асрда ёзилган барча асарларда учратиш мумкин.

Тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан”, “Государство кочевых узбеков”,⁵ “Ўзбек улуси” каби асарлари ўзбеклар тарихига бағишланган фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Олимни кенг илмий жамоатчиликка танитган “Государство кочевых узбеков” асари 1965-йил Москвада “Наука” нашриётида чоп этилди. Собиқ совет даврида ўз халқининг ҳаққоний тарихи, унинг қадимийлиги ва бой маданияти тўғрисида дадил ёзиш, қўлёзма манбаларга суянган ҳолда асосли илмий фикрларни илгари суриш жасорат эди. Асарнинг салкам ўттиз йилдан кейин, Мустақиллик йилларида “Ўзбек улуси” номи билан

4 Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Тошкент. 2001. 259-б.

5 Аҳмедов Б. Государство кочевых узбеков. Наука. Москва. 1965

тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилиши, унга бўлган илмий-маърифий эҳтиёжнинг сўнмаганидан далолат беради. Айниқса, Мустақиллик йилларида асарга бўлган қизиқиш ва талаб янада ортди.

Алоҳида олинган бир давлатнинг, унинг ташкил топиш жараёнидан инқирозигача бўлган даврдаги ички ва ташқи ҳаёти, ижтимоий-сиёсий муносабатлари, иқтисодини яхлит ҳолда тадқиқ қилишга ҳар қандай тадқиқотчи ҳам журъат қилавермайди. Бўрибой Аҳмедовнинг ушбу тадқиқоти айнан шу йўналишда амалга оширилган. Унда Абулхайрхон даврида ташкил топган ўзбеклар давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, давлат бошқаруви, солиқ тизими, савдо-сотик муносабатлари, темурийлар билан алоқалари масалалари кенг ёритиб берилган. Илмий адабиётларда ҳукмрон бўлган Абулхайрхон тузган давлатда аҳолининг фақат кўчманчи чорвачилик билан шуғуллангани тўғрисидаги фикрларга муқобил равишда Бўрибой Аҳмедов ушбу давлатда аҳоли кўчманчи чорвачилик билан бирга, ўтроқ деҳқончилик ва ҳатто ҳунармандчилик билан машғул бўлганини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботлаб берди.

Олимнинг узоқ йиллар олиб борган илмий изланишлари маҳсули сифатида 1982-йил нашр этилган “История Балха” (Балх тарихи) номли йирик асари нафақат республикамиз, балки дунё илмий жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинди. Қўлёзманинг қисқартирилган варианты алоҳида китоб ҳолда нашр қилинган. Китобнинг муҳокамаси ва нашрга тавсия қилиш жараёнларининг бир қисми шарқшунослик илмида қилни қирқ ёрадиган олимлар фаолият кўрсатган Ленинград (Санкт Петербург) Давлат университетининг (ЛГУ) Шарқ факультетида бўлиб ўтган. Китобда Балх хонлигининг ташкил топиши ва унинг XVI- XVIII асрлардаги сиёсий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, давлат тузуми, ер эгалиги, солиқ ва мажбуриятлар, аҳолиси ва машғулотлари, Балх хонлигининг Ҳиндистон, Эрон, Россия билан муносабатлари каби масалалар чуқур тадқиқ қилинган.

Бухоро хонлиги масалаларини, айниқса хонлик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида юксак мавқега эга бўлган Жўйбор хожалари тарихини ўз ичига олган Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон”, Абулаббос Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин” асарлари устида жиддий тадқиқот олиб борган олимлардан бири Бўрибой Аҳмедовдир. Олимнинг бу борадаги тадқиқот натижалари Москвадаги нуфузли тўпламларда нашр этилган.

Археологларнинг (А.Аскарлов, Ў.Исломов, Ю.Ф.Буряков, в.бошқалар бошчилигида) Хоразмда, Ўзбекистоннинг жанубида, Фарғона воҳасида Тошкент ва бошқа вилоятларда олиб борган археологик қазишмалар, кузатиш ва тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиёнинг, хусусан, икки азим дарё – Жайхун билан Сайхун оралиғида милоддан аввалги II - I асрлар милоднинг V асрларида истиқомат қилган одамларнинг ҳаёти ва илк маданияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар тўпланди. Антрополог олим Тельман Хўжаев қарийиб 20 йил давомида Ўрта Осиёнинг турли ноҳияларидан топилган 500 га яқин антропологик материал асосида ҳозирги ўзбекларга хос антропологик тип милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охирлари ва милоднинг бошларида Сайхуннинг ўрта ва қуйи оқимларида шаклланиб, кейинчалик, милоднинг II - III асрларида Фарғона билан Хоразм воҳаларига, Зарафшон водийсига кўчиб ўтганликларини исбот қилди. Бу типни профессор Л.В. Ошанин (1881-1962) ўзбек халқига хос “Икки дарё оралиғи типини” деб атаган эди.

Академик Бўрибой Аҳмедов тадқиқотнинг хулосаларида биргина “ўзбек” этнонимининг Мовароуннаҳрда ғолиб келиши фактига асосланиб, ўзбек халининг келиб чиқишини XV – XVI асрларга олиб келиб боғлаб бўлмаслигини, одатда халқнинг тарихи унинг номидан илгари юради ва буни тарихчилар, айниқса этнографлар яхши билишлигини таъкидлайди.⁶Б.Аҳмедов оддий ва барча учун тушунарли ва қўшимча

⁶ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”. Т. 1994. 198-б

саволларга ўрин қолдирмаслиги учун, инглиз, француз ва русларнинг келиб чиқишига мурожаат қилади. Масалан, Инглизларнинг халқ бўлиб шаклланишида Британия оролларида милоддан аввалги биринчи минг йилликда истиқомат қилган гал ва бритт қабилалари иштирок этган. Милоднинг V-VI асрларида бу ерда Европа қитъасидан англ, сакс, ют ва ва бошқа герман қабилалари кўчиб ўтдилар. Шу вақтдан, яъни VI асрдан бошлаб, Британия оролларида кўчиб юрган барча қабилалар умумий ном – англлар (инглизлар) номи билан атала бошланди. Русларга келсак, уларнинг рус халқи номини олиши милоднинг IX – XIII асрларига тўғри келади. Бундан аввал улар ҳам турли номлар билан: вятичи, кривичи ва ҳ.к. номлар билан аталган. Рус номини уларга Днепрнинг ўрта оқимларида кўчиб юрган родий (росс, рус) қабилалари берган. Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳам шундай, лекин тарихи узоқ асрлар қаърига кириб кетган. Ўзбек халқининг шаклланиши билан унинг этник тарихи бошланади. Ўзбек халқининг этник тарихи ҳам узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараён минтақада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топабошлаган давргача, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача давом этди. XX аср бошларидан ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни бошланди. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”. Т. 1994
2. Аҳмедов Б. Государство кочевых узбеков. Наука. Москва. 1965
3. Аҳмедов Б. История Балха. “Фан”. Т. 1982
4. Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. “Фан”. Т. 1967
5. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII в.в. (Письменные памятники). Фан. Ташкент. 1985
6. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т. 2001.
7. Аҳмедов Б. Аждодлар ўгити. Чўлпон. Т. 1991.

8. Аҳмедов Б. Роль джуйбарских ходжей в общественно-политической жизни Средней Азии (XVI-XVII в.в) // Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной конференции “Бартольдские чтения 82”. – Москва: Наука, 1982.
9. Аҳмедов Б. ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Ўқитувчи”. Т. 1994
10. Аҳмедов Б. Амир Темур. Абдулла Қодирий. Т. 1995.
11. Аҳмедов Б. Амир Темур ўғитлари. Ўзбекистон. Т. 2007.
12. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Фан. Ташкент. 1977
13. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланомма. Шарқ. Т. 1999.
14. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Ўзбекистон. Т.: 2015
15. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. Республика илмий-назарий семинар материаллари. ЎЗР ФА Археология институти., Т.: 2004